
ЎЗБЕКИСТОН – БАРЧАМИЗ УЧУН ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ҚАЛБДИР!

Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганининг 31 йиллигига бағишиланган "Ўзбекистон – барчамиз учун ягона Ватан, ягона қалбдир!" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Бугун Фарғона шаҳри марказий кўчалари бўйлаб "Ватанпарвар автокарвони" йўлга чиқди. Ҳарбийлар оркестр садолари остида давлат байроғи билан ҳаракатланиб, юртдошларимиз қалбидаги ифтихор туйғуларини уйғотди.

Ислом Каримов номидаги вилоят театр-концерт саройининг олд хиёбонида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этдилар. Унда вилоят ҳокими ўринbosари Файзуллахон Қосимов сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг нафақат давлат рамзи, балки миллат ифтихори сифатидаги юксак аҳамияти хусусида сўз юритди.

Байрам тадбирида ватан, тинчликни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-07-03 09:57:51